



Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлиги

**Ўзбекистонда атроф-муҳит, сув ресурсларининг ифлосланиши бўйича
ҳолати ва тенденциялари, 2022 йилда амалга оширилган ишлар ва
келгусидаги устувор вазифалар бўйича
ТАҚДИМОТИ**

Тошкент - 2023

Сув йўналишида асосий функция ва вазифалар

- Сув ресурсларини муҳофаза қилиш сиёсатини юритиш;
- Ер усти табиий сув ҳавзалари (**36 та** дарё, **128 та** сойлар, **156 та** кўллар), ер ости сувлари (**91 та** ер ости чучук сув конлар, бўлоқлар, сизот сувлар) ифлосланиш ва булғанишдан муҳофаза қилиш;
- **320 та** табиий сув ҳавзаларининг (дарё, сойлар, кўллар) сувни муҳофаза қилиш зонаси ва соҳилбўйи минтақалари режимини белгилаш, уларга риоя қилиниши устидан мониторинг олиб бориш;
- йирик саноат корхоналари томонидан ифлослантирувчи моддаларни атроф-муҳитга оқизишнинг белгиланган экологик нормативларига риоя этиш, коммунал канализация тизимига нормадан ортиқча ифлосланган ҳолда ёки рухсатсиз оқизилишини устидан назорат;
- Сув ресурсларини тежайдиган технологияларни ва сув таъминотининг айланма тизимини кенг жорий этишни тарғиб қилиш;
- Сувдан махсус фойдаланиш ва сувни махсус истеъмоли учун рухсатномалар бериш ва уларнинг ҳисобини юритиш;
- Трансчегаравий сув ҳавзаларини (дарёлар) сувининг сифатини таъминлаш борасида қўшни республикалар билан ҳамкорлик қилиш.

Сув ресурсларини муҳофаза қилиш борасида амалдаги ҳолат

- Атроф муҳитга чиқарилаётган оқова сувлар миқдори **1,17** млрд м³
- Корхоналардан **0,33** млрд м³
- Канализация иншоотларидан **0,84** млрд м³
- Оқова чиқарувчи саноат объектлари **2656** та



Саноатда ифлосланган оқавалар

580 млн. м³

49 фоиз

Шундан: кимё, тўқимачилик, чарм, нефт ва газ, озиқ-овқат гидрометаллургия саноати

234 млн. м³

20 фоиз

Оқова сувларни тозалаш тизимидаги муаммолар



369 та (**14,0%**)

Корхонада локал тозалаш иншооти мавжуд эмас



556 та (**31,5%**)

канализацияга меъёрдан ортиқ ифлосланган оқова чиқармоқда



40 - 50%

Оқова тозалаш станцияларининг самарадорлиги паст



сув ҳавзалари ифлослантирилмоқда

Ўзгидромет фаолияти билан қамраб олинган очиқ сув ҳавзалари суви сифатини кузатув пункларининг рўйхати

Кузатув пункти рақами	Кузатув олиб бориладиган сув ҳавзаси номи	Таҳлил нуқтаси рақами	Таҳлил учун сув намуналари олинадиган нуқтанинг аниқ жойлашган жойи	Сувнинг ифлосланиш индекси
1	2	3	4	5
12001	Амударё	1200101	Термез шаҳри четида (порт яқинида)	III
12003	Амударё	1200301	Қипчоқ қўрғонидан 0,5 км юқорида	IV
12007	Сурхондарё	1200601	Лайлакхона қишлоғи четида	III
12009	Сурхондарё	1200701	Термез шаҳри четида, Амудакрёга қуйилиш нуқтасидан 400 м юқорида	IV
12017	Шеробод	1201201	Дарбанд қишлоғи яқинида	IV
12040	Қашқадарё	1201301	Варганза қишлоғидан 2,5 км юқорида	IV
12042	Қашқадарё	1201501	Чимқўрғон сув омборидан 1 км қуйида	III
12070	Зарафшон	1201601	Равотхўжа қўрғони, Первомай тўғонидан 0,4 км қуйида	III
12073	Зарафшон	1201901	Хатирчи қўрғонидан 2,0 км қуйида	IV
12120	Сирдарё	1212001	Наманган шаҳридан 20,5 км жанубий шарқ томонда, Кал қишлоғи яқинида	III
12124	Сирдарё	1212401	Бекобод шаҳри четида "Сувоқова" УК оқовалари тушиш нуқтасидан 0,9 км қуйида	III
12126	Сирдарё	1212601	ГПК-С коллекториқуйилиши жойидан 0,5 км қуйида	III
12126	Норин	1212901	Сирдарёга қуйилиш нуқтасидан 0,2 км юқорида	IV
12134	Қорадарё	1213401	Андижон шаҳридан 12 км шимолий ғарбда, оқова тозалаш иншооти оқоваларидан 1 км қуйида	III
12167	Чирчиқ	1216701	Чирчиқ шаҳридан 3,5 км қуйида	III
12169	Чирчиқ	1216901	Сергели қурилиш материаллари заводи оқова тушиш нуқтасидан 3 км қуйида	III
12170	Чирчиқ	1217002	Янгийўл тумани Қўшёғоч қўрғонидан 1,6 км қуйида	III
12171	Чирчиқ	1217101	Чиноз шаҳридан 3,5 км қуйида	III

Сув ифлосланиш индекси

- II *шартли тоза*
- III *ўртамиёна ифлосланган*
- IV *ифлосланган*

Сувни муҳофаза қилиш зоналари ва санитария ҳимоя зоналарини белгилаш ишлари

Ўзбекистондаги жами дарёлар сони	Шундан сув муҳофаза зоналари белгиланган дарёлар	сув муҳофаза зоналари белгиланмаган дарёлар	2022 йилда белгиланди
38	29	8	4

Ўзбекистондаги жами сойлар сони	Шундан сув муҳофаза зоналари белгиланган сойлар	сув муҳофаза зоналари белгиланмаган сойлар	2022 йилда белгиланди
55	12	33	10

Ўзбекистондаги жами табиий кўллар сони	Шундан сув муҳофаза зоналари белгиланган табиий кўллар	сув муҳофаза зоналари белгиланмаган табиий кўллар	2021 йилда йилда белгиланди
146	8	134	2

Сув ресурсларини муҳофаза қилиш борасида 2022 йилда амалга оширилган асосий ишлар

- **14 та** табиий сув объектлари бўйича вилоят ҳокимликлари қарорлари билан сувни муҳофаза қилиш зоналари ва соҳил бўйи минтақалари белгиланди.
- Оқова ва ер усти сувларини мониторинги натижасида **169 та** объектнинг **323 та** манбасида меъёрдан ортган ҳолатлар аниқланди.

*Шундан, **76 та** корхонанинг **199 та** манбасида мунтазам меъёрдан ошиқ ҳолатлар бўйича **86 та** корхоналарда экологик назорат тадбирлари ўтказилди, **61 та** коммунал оқова сув тозалаш иншоотлари танқидий ўрганилди.*

- **77 та** корхонада локал тозалаш иншоотлари реконструкция қилинди ва қуриб битказилди.
- Тўқимачилик саноат корхоналарида оқоваларни тартибга олиш борасида экологик назорат тадбирлари амалга оширилди.
*Жумладан, **60 та** тўқимачилик корхоналари ўрганилиб, шундан **36 та** меъёрдан ортиқча ифлосланиш аниқланди, **9 таси** суд тартибида вақтинча тўхтатилди.*

“Ўзсувтаъминот” га қарашли коммунал оқова тозалаш иншоотлари



“Ўзтўқимачиликсаноат” ва “Ўзчармсаноат” уюшмаси корхоналари



“Ўзбекнефтегаз” АЖ корхоналари

Шуртан НГҚЧБ механик тозалаш иншоотидаги
флататор қурилмаси



“Шуртан ГKM” МЧЖ ОСТ цехи



“Шуртан ГKM” МЧЖ ОСТ цехи

Шуртан НГҚЧБ биологик тозалаш иншооти



Ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш

- Тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланишда бўлган **3886 та** ер ости қудуқлари ўрганилди. **2299 та** ер ости қудуқлар тегишли ҳужжатларсиз фойдаланиб келинганлиги аниқланди.
- Ер ости сувларини муҳофаза қилиш устида Давлат геология қўмитаси билан иш олиб борилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 7 декабрдаги ПҚ-439-сон қарори қабул қилинишига эришилди.
- Ер ости сувларининг кўп йиллик ўртача сув сатҳига нисбатан солиштирганда **5 метрдан** ортиқ пасайиб кетган ҳудудлар (Навоий, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларининг айрим ҳудудлари) бўйича мораторий эълон қилинди.

Ҳалқаро ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар



- Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари Ҳукуматлари ўртасида 2017 йил 22-23 мартда имзоланган иқтисодий ҳамкорлик Стратегиясига мувофиқ атроф-муҳитни муҳофазаси соҳасида ҳамкорлик қилиш ва Сирдарё дарёсини суви сифатини таъминлаш мақсадида қўшма ишчи гуруҳ ташкил этилган.
- Жорий йилда ишчи гуруҳининг 4 ва 5-сон йиғилиши ўтказилиб, унда сув ҳавзаларида олиб борилган таҳлил натижалари, 2022 йилда амалга оширилган ишларнинг сарҳисоби ҳавола этилди ва 2023 йил иш режаси келишиб олинди.
- “Ҳалқаро тоза сув ва саломатлик” Женева протоколига (2000 йил) аъзо бўлиб кириш масаласи кўриб чиқилди, чора тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, шу масалалади Соғлиқни сақлаш вазирлиги (СЭОМ) билан ҳамкорликда ишлаб бошлаб юборилди.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар сувларини муҳофаза қилиш йўналишида

- Идоралараро ишчи гуруҳ тузилиб, Айдар-Арнасой кўллар тизимидаги **экологик ва туризм соҳасидаги муаммолар** ўрганилди;
- Вазирлар Маҳкамасининг “Айдар-Арнасой кўллар тизими бошқарувини ташкил этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” **2022 йил 26 мартдаги 136-сонли қарори** қабул қилинди;
- Сув хўжалиги тизим каналлардан қўшимча сув ташлаш;
- Жиззах, Сирдарё вилоятидаги зовурлардан кўллар тизимига қўйилаётган сувларнинг сифатини назорат қилиш;
- Балиқ тутишга мораторий жорий қилиш ва браконерликка қарши курашиш;
- Чорвачиликни тартибга олиш ва чеклаш,
- Чўлланишга мойил ҳудудларда буталар экиш ва кўкаламзорлаштириш;
- Экотуризмни ривожлантириш билан боғлиқ чора тадбирлар белгиланиб, бу борада муайян амалий ишлар бажарилди.



Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш йўналишида 2022 йилда амалга оширилган асосий ишлар

- Идоралараро гуруҳлар томонидан **2 марта** шартнома асосида дарё ўзанларини тозалаш ва лицензия асосида қум шағал қазиб олувчи субъектлар фаолияти ўрганилди.

110 та объектлар бўйича “Хавфсиз дарё” муассасаси билан тузилган шартномалар бекор қилинди, 36 та лицензияли объектлар бўйича судларга ҳужжатлар тақдим этилиб, 18 тасида бекор қилинди.

- Вазирлар Маҳкамасининг “Норуда материалларни ноқонуний қазиб олишда табиий объектларга етказилган зарарни ҳисоблаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2022 йил 23 ноябрдаги 666-сон қарори
- Олий Мажлиси Сенатининг СҚ-648-IV-сон қарори билан киритилган парламент сўрови бўйича чора-тадбирлар белгиланди:
 - тугатилган участкаларни қабул қилиб олиш механизмини такомиллаштириш;
 - дарёларни тасарруф этувчи ягона органни белгилаш;
 - ноқонуний қазиб олиш ҳолатларига нисбатан таъсир чораларини кучайтириш;
 - айрим дарёларга қум шағал қазиб олишга мораторий жорий қилиш;
 - қазиш ишларини тоғолди ўлкаларга кўчириш ва бошқалар.

Дарё ўзанини тозалаш ва қирғоқларни мустаҳкамлаш ишлари назорати



2023 йилда амалга ошириладиган ишлар

- Республикада **10 та** табиий сув ҳавзалари бўйича сувни муҳофаза қилиш ва қирғоқбўйи минтақасини белгилаш;
- Сув ҳавзаларида ўзан тозалаш ишлари ва қум-шағал қазиб олиш фаолияти билан шуғулланувчи **100 дан ортиқ** тадбиркорлик субъектларида **экологик назорат тадбирларини олиб бориш**;
- Саноат корхоналарида **80 та** локал оқова тозалаш иншоотларини **қуриш** ва мавжудларини **реконструкция қилиш**;
- Ер ости сувларининг ифлосланиш манбаларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш;
- Ерларнинг ишлаб чиқариш чиқиндилари ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланиши билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш бўйича экологик назорат тадбирларини кучайтириш;
- Республикада **1405 гектар** бузилган ер майдонларининг рекультивация қилиш ишларини амалга ошириш.

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!